# Эслатма: Ашуро куни оиласига кенглик қилиш




11:56 / 27.07.2023    1645

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни оила аҳлига кенгчилик қилиш ҳақида шундай деганлар:

"مَنْ وَسَّعَ عَلَى عِيَالِهِ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَسَّعَ اللهُ عَلَيْهِ فِي سَائِرِ سَنَتِهِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبَيْهَقِيُّ عَنْ عَبْدِ اللهِ ابْنِ مَسْعُودٍ)

«Ким оила аҳлига Ашуро кунида (озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсаларда) кенгчилик қилса, йилнинг қолганида Аллоҳ унга кенгчилик қилади».
*Имом Байҳақий ривоятлари.*

Имом Суфён Саврий роҳматуллоҳи алайҳ: «Биз ушбу ҳадисни амалда қўллаб, унинг айтилганидек эканлигига гувоҳ бўлдик» – деганлар.

Суфён ибн Уяйна роҳматуллоҳи алайҳ: «Биз буни 50-60 йил тажриба қилиб кўрдик ва фақатгина яхшилик кўрдик», – деганлар.

Демак, Ашуро куни рўзғорни бут қилиб олинса, йилнинг қолган ойлари ҳам

баракали бўлиши умид қилинади.